ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Б.ҚАНДОВ

В статье обсуждаются вопросы повышения правовой культуры в стране в условиях глобализации правовых ценностей, а также задачи, выполняемые государством и социально-правовыми институтами.

This article includes the questions of increasing the legal culture in the country in conditions of globalization legal values and also the tasks which are carried out by the state and social-legal institute.

Ҳуқуқий қадриятлар бугун умумсайёравий, глобал воқеликка айланмоқда. Тўғри, “ҳар бир давлат ўз асослари негизида ривожланади, шу билан бирга иқтисодиётда, сиёсатда, мафкурада, ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгда, маданиятда тобора умумийлик жиҳатлари вужудга келмоқда. XXI аср давлатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими инсоният бой тажрибасининг барча ижобий томонлари синтези билан характерланади. Ушбу тажрибалар барқарор ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт учун энг мақбул шарт-шароитни демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти вужудга келтиришини тасдиқлайди”[4;4]. Бу жараён барча соҳалар каби ҳуқуқий маданиятни ҳам глобаллашуви, яъни умумсайёравий ҳуқуқий қадриятларнинг шаклланиши орқали кечади. Шунинг учун А. Саидов келтирганидек “бугунги кунда халқаро ҳуқуқий саводсизликни тугатиш жуда долзарб вазифадир”[4;5].

“Ҳуқуқий қадриятлар” деганда миллий ёки халқаро ҳуқуқ тизимида барқарор меъёрларга, нормаларга айланган, инсон ва жамият, шахс ва давлат ўртасидаги алоқаларни белгилаб берган юридик догматика назарда тутилади[7;230]. Демак, юридик қадриятлар инсон, шахс ва жамият, давлат томонидан эъзозланадиган, сўзсиз амал қилинадиган ижтимоий ҳаётни, муносабатларни, алоқаларни йўлга қўядиган, уларни юридик нормалар орқали белгилаб берадиган ҳуқуқий бойликлар тизимидир. Ушбу тизим энг аввало халқаро ҳуқуқда намоён бўлади. Муаммо нуқтаи назаридан ёндашсак, халқаро ҳуқуқнинг глобал воқеликка айланиши ҳуқуқий маданиятнинг ўрнини, аҳамиятини ўрганишни тақозо этади.

А. Саидов ва У. Тожихоновнинг ёзишича “Ҳуқуқий маданият жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир... Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади… Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилишини ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади”[5;30-31]. Олимлар ҳуқуқий маданиятни позитив ҳуқуқнинг даражаси билан боғлайдилар ва шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳам ушбу позитив ҳуқуққа мос келгани билан ўлчанади деб кўрсатадилар. “Шахснинг ҳуқуқий маданияти - жамият ҳуқуқий маданиятининг, зарурий шарт - шароити ва илк бунёдкори, унинг мақсади ва таркибий қисмидир. Шу билан бирга у шахснинг ўзининг қонуний фаолият даражасида акс этувчи ҳуқуқий ривожланишининг жиҳати ҳамдир. У жамият ҳуқуқий ҳолати муайян даражасига боғлиқ ҳолда унинг муҳим негизини ташкил этади ва унинг асосида ётади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти амалиётда унинг ижобий ҳуқуқий онгини тақозо қилади. У ҳуқуқ соҳасида жамиятнинг прогрессив ютуқларига мос келувчи ижодий фаолиятни ташкил этиб, натижада шахснинг доимий ҳуқуқий бойиши рўй беради” [5;30-31]. Демак, жамият билан инсон (шахс)нинг ҳуқуқий маданияти, диалектик шаклланадиган ва юксаладиган ижтимоий- ҳуқуқий воқеликлардир.

Ўзбекистон ўзининг демократик ҳуқуқий давлат қуриш стратегик мақсадидан келиб чиқиб жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури (1997 йил)ни ишлаб чиққан. Ушбу дастурни ишлаб чиқишда Республикамиз Президентининг 1997 йил 20 майида ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарлари, журналистлар билан ҳуқуқнинг долзарб муаммолари бўйича ўтказган учрашуви, 1997 йил 25 июнда эълон қилган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги фармони асос қилиб олинди. Миллий дастурда таъкидланадики, "Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди" [3;12]. Бу ўринда ҳуқуқий билим (саводхонлик), ҳуқуқий эътиқод ва ҳуқуқий хулқ – атвор (амалий фаолият) ҳақида тўхталиш ўринлидир.

Ҳуқуқий билим (саводхонлик) деганда инсоннинг жамиятда амал қилаётган, давлат томонидан қабул қилинган асосий қонунларни яхши билиш назарда тутилади. Глобаллашув нуқтаи назаридан бу давлатнинг халқаро ҳуқуқий нормаларга тааллуқли қонунларини, ратификация ва имплементация қилган халқаро ҳужжатларни яхши билиш демакдир. Улар қаторига энг аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳужжатлар киради.

"Инсон ҳуқуқлари концепцияси кўп. Улар диний, позитив, табиий, ҳуқуқий ва бошқалар бўлиб, жамиятдаги дунёқарашнинг турлитуманлиги билан тавсифланади, лекин инсоннинг барча ҳуқуқлари ажралмас, бирдек муҳим ва ягона тизимни ташкил қилади. Бирон-бир ҳуқуқ ёки эркинликни бошқа бирига қарши қўйиш мумкин эмас. Акс ҳолда бир турдаги ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминланишига интилиш бошқа турдаги ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келиши мумкин" [4;196]. Агар ушбу фикрдан келиб чиқсак, ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини яхлит воқелик деб билади, бу борада амалга ошириладиган изланишлар ҳам, ижтимоий-ҳуқуқий амалиёт ҳам бир мақсадга, яъни инсон манфаатларига хизмат қилади деган хулосага келамиз. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш баркамол авлодни тарбиялаш стратегик мақсадига қаратилган. Ҳуқуқий маданият шунчаки ҳуқуқий саводхонлик, билимдонлик эмас, у баркамол авлод концепциясига хизмат қилади. Шунинг учун демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳам, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш дастури ҳам ушбу концепцияга йўналтирилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (1948 йил 10 декабрь) кўра, ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир (3-модда). Ушбу ҳуқуқларни таъминлаш миллий ҳуқуқий тизимлардаги бош мақсад ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24, 25 – моддалари ушбу халқаро меъёрдан келиб чиқади. Уларда "яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи", "ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга" [2;7] деб ёзиб қўйилган. Шундай ҳуқуқий–меъёрий уйғунликни, мутаносибликни бошқа боблар ва моддаларда ҳам кузатамиз. Демак, Республикамизда ҳуқуқий маданият энг аввало фуқароларимизнинг Конституцияни яхши билиши билан ўлчанади. Чунки давлатининг Асосий Қонунини – Конституциясини билмаган шахсни ҳуқуқий маданиятли дейиш қийин. "Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги, авваламбор, Конституция ва қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлайди. Бу - ҳуқуқий нормаларга юзаки муносабатда бўлиш фикрининг ўзи бўлмаслиги кераклигини ифодалайди... Қонун - нафақат мажбурий ҳуқуқий фармойиш, балки халқ иродасининг ифодаси ҳамдир. Уни халқ сайлаган парламент қабул қилади. Давлат ҳокимиятининг ҳам, қонунларнинг ҳам манбаи халқдир. Унинг замирида қонуннинг устунлиги ғояси ётади" [5;58].

Махсус кузатишлардан маълумки, респондентларнинг 67% Конституциядаги асосий ҳуқуқий – меъёрий нормалардан, 42% "Оила кодекси", 34% "Меҳнат кодекси", 12% "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида", 40% "Таълим тўғрисида", 8% "Олий Мажлисга

сайловлар тўғрисида”, 2% “Сиёсий партиялар тўғрисида”, 1,5% “Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” деган қонунлардан хабардор эканлигини маълум қилади. Минг афсуски, респондентлар ичида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатига оид қонунларни биладиган кишилар жуда кам. Респондентлар “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонуни, “Мудофаа тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги қонунлари борлигини ҳатто эшитмаганлар кўплаб учрайди.

Ҳуқуқий саводхонлик юристлар орасида ҳам юқори эмаслиги кузатилади. Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ўтказилган савол-жавобларнинг натижалари кўрсатадики, респондентларнинг 62% “Жиноят кодекси”, 61% “Меҳнат кодекси”, 44% “Оила кодекси”, 41% “Фуқаролик кодекси” ва “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, 18% “Сиёсий партиялар тўғрисида” ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни ички ишлар органлари томонидан маъмурий назорат қилиш тўғрисида”, 4% “Таълим тўғрисида”ги қонунлар билан яхши таниш эканини билдирадилар. Уларнинг деярли 82% Конституциядан хабардор эканини қайд этади. Минг афсуски, қолган қонунлар уларнинг эсларига келмайди. Ҳатто улар Ички ишлар Вазирлигининг ички ишлар ходимлари этикаси ва эстетикасига оид буйруқни ҳам Олий Мажлис қабул қилган қонун сифатида қайд этадилар. Демак, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳақиқатдан ҳам жиддий муаммодир.

Ҳуқуқий билим (саводхонлик) узлуксиз маърифий, тарғибий ва тарбиявий жараёнлар маҳсули бўлиши мумкин. Буни биринчидан, ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг, жараёнларнинг узлуксизлиги, социодинамик хусусиятларга эга эканлиги; иккинчидан, ёш авлоднинг ижтимоий ҳаётга кириб келишининг мунтазамлиги, учинчидан, глобаллашув жараёнларининг кенг кўламли, доимий воқеликка айланиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин.

Ижтимоий ҳаёт бир жойда турмайди, у демократик тамойилларга мувофиқ ўзгариш хусусиятига эга. Демократик тамойиллар ҳам мутлақ қотиб қолган ҳодисалар эмас, улар ҳам миллий тараққиётга мос келиши лозим. Ҳеч бир давлат, ижтимоий- сиёсий тузум ташқи, ёт андозаларни ўзига кўр-кўрона жорий эта олмайди. Ўтган асрда большевиклар коммунистик қарашларни, ғояларни ва турмуш тарзини ўлкамизга, собиқ СССР ҳудудига жорий этмоқчи бўлдилар. Улар ушбу вазифани қисман бажардилар ҳам, аммо миллий демократик тараққиётга имкон туғилган заҳоти республикалар коммунистик қарашлардан воз кечдилар. Чунки коммунизм зўрлаб сингдирилмоқчи бўлган ёт қараш, ғоя, ҳаёт тарзи эдики, у бир қатлам, синф, мафкуранинг бутун жамият устидан ҳукмронлиги таъминлаш концепцияга қурилган эди. Большевиклар яратган ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий меъёрлар ҳам ана шу зўравонликка хизмат қилган. “СССР давлати ва ҳуқуқи тарихи фанининг, - деб ёзади А.Саидов ва А.Жузжоний, - ўқув дастурлари ва дарсликларида ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмас эди. Бу фанни ўқитишда бутун эътибор рус давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганишга қаратиб келинди. Мазкур ҳодиса фавқулодда бир ҳол бўлмай, балки аввалдан режалаштирилган руслаштириш сиёсатининг натижаси эди. “Шундай йўл тутишдан асосий мақсад келажакда миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тизимига барҳам бериб, том маънодаги ягона давлатни ташкил қилиш эди” [6;206-207].

Мустақиллик туфайли тарихга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Биз ўз тарихимизни, жумладан она заминимизда тузилган ва равнақ топган давлатлар ва ҳуқуқий тизимлар тарихини холисона, мафкуравий ақидаларни холисона ўрганиш имконига эга бўлдик. Лекин миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тизимининг тарихини ўрганиш бизни орқага, ўтмишга қайтишимизни англатмайди. Ҳар бир халқнинг ўзига яраша сиёсий-ҳуқуқий ва фалсафий – маънавий мероси бўладики, халқ ана шу тарихий негизига таянганида, ундаги ижобий томонларни янги давр талабларига мувофиқлаштирганида тараққиётда тадрижийликни, узлуксизликни, социодинамикликни таъминлайди. “Ким бўлишидан қатъи назар, - дейди Президентимиз, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳ-

камлайди… Шунинг учун давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим" [1;137,154]. Бу эса миллат, давлатчилик ва келажакка бир-бирига боғлиқ социодинамик ҳодисалар сифатида қарашни тақозо этади.

Ҳуқуқий саводхонлик ёш авлоднинг ҳаётга кириб келиши сабабли узлуксизликни талаб қилади. Ҳар бир янги авлод жамиятдаги ҳуқуқий қадриятларни, минимум юридик догматикани эгаллаши лозим. Бу ёш авлодни ҳуқуқий маконда эркин яшаши ва фаолият кўрсатишига, ички зиддиятларга тўла глобаллашув жараёнларига фаол муносабатда бўлишга, ундаги позитив томонларни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, глобаллашув нафақат ички зиддиятли ҳодисаларни англашга, худди шунингдек, ундаги салбий ҳодисаларни инкор этишга ҳам олиб келади. Бу ўринда ҳуқуқий саводхонлик билан миллий- маънавий қадриятлар уйғунлашиб келади. Агар ушбу икки сифат уйғунлик касб этмаса, демократия, инсон ҳуқуқлари байроғи остида ҳаракат қилаётган "америкача глобализм" шахс ўйига, қалбига осонгина кириб келади. "Америкача глобализм"нинг асл моҳияти АҚШ Марказий разведка бошқармасининг ходими Аллен Даллес (1893 - 1966) нинг қуйидаги иқрорида аниқ намоён бўлади! "Уруш тугайди, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади. Биз одамларни лақиллатиш учун бор имкониятимизни ва моддий қувватимизни ишга соламиз. Инсон онги, одамлар тафаккури ўзгаришга мойил. У ерга биз қиёмат уруғини сепиб, барча муқаддас нарсаларни сохта қадриятларга алмаштирамиз, сохта қадриятларга ишонишга, эътиқод қилишга мажбур қиламиз... Биз, инсон тафаккурига фаҳшга сиғиниш, зўравонлик, садизм ва сотқинликни сингдирадиган, бир сўз билан айтганда, ҳар қандай ахлоқсизликни тарғиб этадиган рассом ва ижодкорларни ҳар тарафлама қўллаб - қувватлаймиз. Давлатни бошқариш соҳасида тушуниб бўлмайдиган тартибсизликларни юзага келтирамиз" [8]. Бундай бузғунчи ғояларни тарқатишга интилиш ҳозир ҳам давом этмоқда. 2005 йили март ойида АҚШ конгрессида Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Ўзбекистонда демократияни қўллаб – қувватлаш учун 188 миллион доллар ажратиш кўзда тутилди [8]. Ҳозирги кунда АҚШ армиясининг деярли ярми 120 давлатда "америкача глобализм"ни ўрнатиш учун жойлаштирилган. Марказий Осиё ва Хитой устидан назорат ўрнатиш АҚШ стратегик вазифаларидан бирига айланган [9;680-82]. Ушбу мураккаб вазиятда ёшларда огоҳлик, миллий қадриятларга содиқлик туйғусини, чин демократия, инсон ҳуқуқлари қандай эканлигини ажрата олиш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари глобал воқеликларга айланаётгани қанчалик реал бўлмасин, улар миллий-ҳуқуқий тизимларда, демократик қадриятларни қарор топтиришда ҳар бир халқда, миллатда ўзига хослик бўлишини инкор қилмайди. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий қадриятларни реал ижтимоий борлиққа, жамият ва давлатни бошқаришга, фуқароларо муносабатларга тадбиқ этиш даражасидир. Демак, ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқ ва эркинларини нафақат билиш, худди шунингдек, уни ҳуқуқий хулқ-атвордаги ифодаси ҳамдир. Ҳуқуқшунос олим Н.Сабуровнинг берган таърифига кўра "ҳуқуқий хулқ-атвор индивидуал ва ижтимоий субъектларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятга эга, ҳуқуқ нормалари билан бошқариладиган, ўз орқасидан позитив оқибатларни келтириб чиқарадиган онгли хатти – ҳаракатларидир" [10;14]. Ушбу хатти-ҳаракатлар позитив ҳуқуқ доирасида шахснинг ижтимоийлашуви кафолатидир [10;15].

Фалсафий-ҳуқуқий адабиётларни ўрганиш кўрсатадики, ҳуқуқий хулқ- атвор субстанционал негизига кўра, жамият ва шахснинг эҳтиёжлари, манфаатлари, қизиқишларига мувофиқдир. "Шахс ўз эҳтиёжлари, манфаатлари, фикрларига мувофиқ ўз хулқ-атворини ҳуқуқда белгилаб қўйилган намунага онгли суратда мослайди ёки зоҳиран қонуний бўлган, ички ишончга ва сабабларга таянадиган ҳаракатлар қилади. Унинг ўзига таклиф қилинаётган ҳуқуқ ва мажбуриятлар шаклида ифодаланган намунали хулқ – атвордан фарқланадиган вариантни ижобий баҳолаш қонуний ҳуқуқдан самарали фойдаланишга ҳамда мажбуриятни бажаришга асос бўлади. Бошқача қилиб айтганда, қонуний хулқ-атворга асос бўлади" [5;148-149]. Шахс ушбу танлашда энг аввало хусусий эҳтиёж ва қизиқишлардан келиб чиқса-да, уларни ижтимоий эҳтиёжи ва қизиқишларига ҳам мувофиқ келишини унутолмайди, албатта. Акс ҳолда нафа-

қат қизиқишлар, балки ҳуқуқлар тўқнашуви ҳам муқаррар бўларди.

Ҳуқуқий хулқ-атворнинг шаклланиши текис кечадиган ҳодиса эмас, у мудом жамиятда, ижтимоий-сиёсий тузумда, кишилараро муносабатларда рўй берадиган ранг – баранг ҳодисалар таъсирида шахс сифатлари, фазилатлари тизимидан жой олади. Ҳатто маълум бир шахсда ҳуқуқий хулқ - атвор тугал шаклланган дейиш ҳам ноўриндир, чунки юқоридаги ранг - баранг омиллар бир ўринда позитив, иккинчи ҳолда негатив таъсир этиши, натижада турли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Аммо ҳуқуқий хулқ – атворнинг, ҳуқуқий маданиятнинг объективлашиш босқичи, кўриниши сифатида энг муҳим мезонлари бор. Улар: юридик догматикага зид келмаганида; ахлоқий нормаларни бузмаганида; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини паймол қилмаганида; ижтимоий демократик тараққиёт қонунларини рад қилмаганидадир. Аслида глобаллашаётган ижтимоий-ҳуқуқий қадриятлар ҳам ушбу мезонларга таянади.

Ҳуқуқий қадриятлар глобаллашув жараёнларига юридик догматика, халқаро ҳуқуқ орқали муқимлик, барқарорлик бахш этади. Яъни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос келган ҳуқуқий қадриятларгина глобал юридик нормаларга айланиши мумкин. Демак, миллий ҳуқуқий қадриятларнинг ҳаммаси ҳам глобал ҳуқуқий қадриятлар бўлавермайди, миллий ҳуқуқлардаги маълум бир меъёрлар локал манфаатларга хизмат қилаверади. Ҳуқуқий маданият эса глобал ва локал ҳуқуқий меъёрларни уйғунлаштира олиш даражасидир. Тўғри, шахс мудом аниқ бир миллий-ҳуқуқий меъёрларга бўйсунишга, ўз фаолиятида улардан келиб чиқишга мажбурдир. Бироқ миллий-ҳуқуқий меъёрлар “мутлақ ҳақиқат” эмас, демократик жамиятда шахс бошқа,ўзининг қизиқишлари ва манфаатларига кўпроқ мос келадиган миллий - ҳуқуқий маконни танлаши мумкин. Масалан, Жанубий Америкадан ҳар йили 1,5 миллион, Осиёдан 4 миллион кишининг АҚШ ва Ғарб мамлакатларига иммиграцияга кетаётгани мисол бўла олади. Иммиграцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла рўёбга чиқаришга маълум бир тўсиқлар борлиги кўзга ташланади. Демак, ҳуқуқий маданият ушбу тўсиқларни бартараф этишга, ҳар бир кишига ўзининг ижодий кучларини тўла рўёбга чиқаришга ижтимоий-ҳуқуқий имкон бериши зарур.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-137. 154 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003.-7 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997, 9-сон. - 12 б.
4. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. - Т.: «Адабиёт жамғармаси», 2001. – 4 б.
5. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. - Т.: ИИВ Академияси, 1998. 30-31 б.
6. Саидов А., Жўзжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. – Т.: 1998. - 206- 207 б.
7. Алексеев С.С. Право: азбука- теория- философия. Опыт комплексного исследования. - М.: Статус, 1999. - С. 230.
8. Насимов Ш. Коса тагидаги нимкоса ёки ахборот хуружларидан мақсад нима?// Инсон ва қонун, 2006, 11-апрель.
9. Уткин А. Американская империя. – М.: ЭКСМО, 2003. - С. 680-682.
10.Сабуров Н. Фуқароларнинг ҳуқуқий хулқ – атворини шакллантириш муаммолари (назария ва амалиёт). Юридик фанлари номзоди. дисс. автореферати. – Т .: 2001. – 14 б.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти,
2010 йил 5 сентябрда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. В.Алимасов)